

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 267 (6. 756)

1988 йил 23 ноябрь, чоршанба. Баҳоси 3 тийин

XXVI Тошкент шаҳар ва XXIII Тошкент область конференциялари олдидан

ҚАЙТА ҚУРИШ-ХАЁТИМИЗ МАЗМУНИ

IV Акмал Икромов район ҳисобот-сайлов партия конференциясидан

○ КОНФЕРЕНЦИЯДАН ОЛДИН

Акмал Икромов район коммунистларнинг навбатдаги анжумани бошланишидан икки кун олдин биз район партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Мишинга қуйдаги савол билан мурожаат этдик:

— Конференцияга тайёргарлик юзасидан қилинган қандай ишлар қолди? — Айрим «техник» масалалардан ташқари ҳаммаси бўлган. Ҳисобот доқладининг тезислари олдидан бошлангич партия ташкилотларида муҳокама қилинди, коммунистлар билдирган фикр-мулоҳазалар, таклифлар билан тўлдирилди.

— Конференциядан сиз нималарни кутибсиз? Бу саволга район комсомол комитетининг биринчи секретари У. Н. Сулаймонова жавоб берди:

— Ҳозирги кунда комсомол ташкилотларининг ямийтишимиз иқтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли, ўрни тобора ошиб бормоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қайта қуриш, жадаллаштириш программаси унинг олдига конкрет вазифалар қўйган. Энди олдингидек дабдабозлик, қуруқ ҳисобот-ушворлар билан яшаш даври ўтганлигини нафақат район комсомол комитети апарати ходимлари, балки ҳар бир комсомол аъзоси яхши тушунади. Ҳўш, бундай принципиал янги шариотда ишлашга тайёرمىзми? Бугунги район коммунистларнинг анжуманида ҳам шу ҳақда гапираман. Ўйлаймики, район партия комитети, барча коммунистлар ўз фаолиятларида бизнинг илтимос ва талабларимизни ҳам ҳисобга оладилар.

○ КОНФЕРЕНЦИЯДА

IV А. ИКРОМОВ РАЙОН ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАНДАТ КОМИССИЯСИНING ДОҚЛАДИДАН:

«Акмал Икромов район партия конференциясига ҳаммаси бўлиб 262 делегат сайланди. Улардан 131 киши конференцияда биринчи марта қатнашмоқда. Делегатлардан 84 киши СССР ордени ва медаллари билан тақдирланган, бир киши «КПСС сафида 50 йил» нишони, бир киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан мукофотланган. 27 делегат партия, уруш ва меҳнат ветеранларидир. 47 киши КПСС аъзоси бўлганга ҳали 5 йил бўлган йўқ. Конференция шунда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг 8 ва район Советининг 34 депутат делегати сифатида қатнашдилар. Делегатларнинг 42 нафарини ишчилар синфининг вакиллари эди».

Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Т. Ҳ. Ҳайдаров ҳисобот доқладига таъкидлаб ўтганидек, конференция қатнашчилари иқтимоий-сиёсий ҳаётда актив, меҳнатда илгор, ҳар бир ишда бошқаларга ўрнак бўлган коммунистлардир. Район санати 1985 йилга қараганда 10,1 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқараётганида, меҳнат унвондорлиги 4,2 процент ўсганлигида шубҳасиз уларнинг мусоиб улуши бор.

Ҳисобот даврида, деб давом этди доқладчи, янги тажриба-меҳаника заводи яратилди, «Сигнал» ва «Ўз-местром» илмий-ишлаб чиқариш биришмаларида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Фан ва техника ютуқларидан оминкорлик билан фойдаланиш 39 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш имконини берди. Ишлаб чиқаришда 21 та механизациялашган поток линияси, 17 миллион сўмлик янги технологик жиҳозлар ўрнатилди. Олинган фойда 32 миллион сўмни ташкил этди.

Социалистик мусобақа пешқадам коллективлар ютуғида, районнинг социалистик ривожланишида асосий омили бўлди. Жумладан мамлакатимиз коммунистларнинг «Вутунитти-фоқ XIX партия конференцияси» очилган кунгача беш йилнинг ичида янги планни бажарамиз? шiori остида 700 дан зиёд киши меҳнат қилди. «Чевар» биришмаларининг В. Илмова, З. Раҳимова сингари етакчилар бошчилиги қилган бригадалари, аниқса фаолият кўрсатдилар ва ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Тошкент неон-кондистер комбинати ва «Ўзпичетранс» ишлаб чиқариш автомобиль биришмаси коллективлари бир неча марта социалистик мусобақа ғолиби бўлишди.

Шу билан бирга, давом этди доқладчи, районда қолоч коллективлар ҳам, ечилмаган муаммолар ҳам кўп. Жумладан заргарлик заводи райондаги план тошчириқларини уздади ол-маётган яқино-йқина санаот корхонасидир. Бундан биринчи назарда завод директори коммунист И. А. Филинов айбдордир.

Меҳнаткашларини уй-жой билан таъминлаш райондаги энг ўқир муаммолардан биридир. Аҳоли сонининг ўсиш суръатлари шу даражада кетадиган бўлса ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш учун 2000 йилгача районда 1 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой қурилиши керак. Афсуски, қуриш у ёқда турсин, мавжуд уй-жой фондидан фойдаланиш ҳам ҳозирги кунда жуда ёмон аҳволда. Таассуфки, аҳолига маданий-маиший, медицина хизмати кўрсатиш, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш ишлари тўғрисида ҳам худди шундай таъкидлий фикрлар билдириш мумкин.

○ МУЛОҶАЗАЛАР

Район партия комитетининг конференцияга қилган ҳисобот доқлади ҳақида қандай фикрлар?

Бу савол билан анжуман қатнашчиларига мурожаат қилиди. Ф. Маматов, шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг автобазаси бошлангич партия ташкилотининг секретари:

— Доқладчи район партия комитети апарати ходимлари тез-тез меҳнат коллективларида бўлаётганликларини айтиб ўтди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Район апаратининг янги сайланадиган ходимлари ҳам бу яхши ишни давом эттириб, бошлангич партия ташкилотларида амалий ёрдамни янада кучайтисалар, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шариотлари, муаммолари билан яқиндан таъинисалар яхши бўларди.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Делегат билан суҳбат

Леонид Владимирович Клетсов узок Украинадан келган. Тошкентлик бўлганига 30 йилдан ошди, 21 йилдан «Глантш-пассатранс» бошқармасига қарашли 2-автомобилда ишлайди. 11 йилдан бери эса корхона коммунистларнинг етакчиси. Тиниб-тинчмас секретарини конференция ўтган икки кун давомида «излади». Охири ташкилий пленумда ҳисоб комиссиясининг раиси бўлган Леонид Владимировични овоз берилган бюллетенларини олиб кетишга чоғланаётган вақтда «қўлга туширди».

— Леонид Владимирович, Акмал Икромов район партия конференциясидан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ўзбек халқининг «Нимани эксанг, ўшани ўрасан» деган аjoyиб нақли бор. Бу мақоли бугун тугатган конференцияга нисбатан ҳам ишлатас бўлади.

— Яъни?..

К. Маҳмамов, заргарлик заводи ишчиси: «Заводимиз тўғрисидаги таъкид мутлақо ҳақоний бўлди. Бунда шубҳасиз завод бошлангич партия ташкилотининг унинг секретари А. Саматовнинг ҳам айби бор. Агарда улар бутун коллектив билан ҳамкорликда иш қўлганлариди, райкомга мурожаат қилишнинг ҳам, унинг аразлигининг ҳам ҳолати бўлмаши.

○ КОНФЕРЕНЦИЯДАН СЎНГ

Анжуман ниҳоясида биз унинг қатнашчиларидан конференция якунини қандай баҳолашларини сўрадик:

О. Илчиев, Тошкент неон-кондистер комбинати слесарь-ремонтчиси:

— Ўтган III конференцияга қараганда бунида таъкидлий фикрлар кўпроқ бўлди. Назаримда, бу жамиятимиздаги ўзгаришлар натижасидир.

Т. Барсукова, 12-қуриш трест пардозловчиси:

— Конференция ошкоралик руҳида ўтди. Н. Ефимов, «Среднегазавтоматика» биришмаси тоқарлар бригадасининг бошлиги:

— Конференцияда райондаги иқтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма томонлари чуқур таҳлил қилинди. Т. Мухитдинов, «Ташпо-дошовчиром» ремонт-қуриш бошқармаси бошлангич партия ташкилотининг секретари:

— Конференцияда сайла-

— Демочиманки, конференцияга қизгин тайёргарлик қўлганлиги. Шунинг учун ҳам у қизқарли, маъмули ўтди, баҳсларга бой бўлди.

— Конференциядан нималарни кутганингиз? Коммунистларни кўп ўйлантйраётган масалалар: жумладан, районда оммавий физкультура ва спорт ишларини жонлаштириш, социал тараққиётни жадаллаштириш, янги иқтисодий шариотда ҳўжални юртишнинг янги формаларини жорий этиш каби масалалар кўтарилишини кутганим.

— Кутганингиздек бўлдики?

— Ҳа. Энг муҳими, бу масалалар ҳусусида қуруқ гап бўлмай, қизқарли таклифлар билдирилди, конкрет ваифалар белгиланди. Буларнинг ҳаммаси конференция резолюциясида ўз аксини тошган.

Р. Шарипов фотоси.

надиган активларнинг ном-таъини ўзимиз кўрсатганлигимиз, илгаригидек қоридан бўйрўқ берилмаган демократия ҳаётига сингиб бораётганлигини кўрсатди.

○ МУХБИР ШАРҲИ:

Дарҳақиқат, конференция давридаги муаммолар ҳам бугун руҳда: тўла демократия, ошкоралик билан ўтди. Ҳисобот доқладига ҳам, ун муҳокама қилиш юзасидан музокарада сўзга чиққанлар нутқида ҳам ютуқлар ҳақида мақом сўзлардан кўра кўпроқ таъкидлий фикр жарағлади. Бошқача қилиб айтганда, конференция қайта қуриш ҳаётиимиз мазмуни, фаолиятимиз мезони бўлиб қолганлигини кўрсатди.

Гамни шу ерда тўхтатиб, нутқа қўйсак ҳам бўларди. Бироқ назаримда «нимадир» етишмаётган. Ҳа, конференция ўзаро кескин таъкид руҳида ўтди. Унда бригадирдан тортиб директорга, бошлангич партия ташкилотининг секретари-дан тортиб токи райкомнинг биринчи секретаригача таъкид қилинди. Камчилик ва нуқсонлар, ҳаётлар ҳеч юз-хотир қилинмай бирма-бир санаб ўтилди. Лекин унда ўз-ўзини таъкид етишмади, камчиликларни келтириб чиқараётган сабабларни очиб берадиган таҳлил етишмади. Ҳа, биз ким бўлишимиз қатъий назар, қандай лавозимни эгаллаб турганига қарамай, таъкид қилишни, тап тортмай ҳа-

ларини юзига шартта айтишни ўрганиб олдик. Бу албатта яхши, ҳар қанча қувонсак арзийди. Энди эса бошқаларни таъкид қилишдан, унинг камчиликларини кўрсатишдан олдин «Ҳўш, меннинг ўзим ана шу камчиликка йўл қўймайли» деган саволни ҳам ўргансан янада яхши бўларди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашди ва нутқ сўзлади.

Ф. РАҲИМОВ, «Тошкент оқшом» мухбири.

Ташкилий пленумда Т. Ҳ. Ҳайдаров район партия комитетининг биринчи секретари, В. А. Мишин район партия комитетининг иккинчи секретари, М. А. Турдужаева район партия комитетининг секретари этиб сайландилар.

С. А. Абиллов район партия ташкилот ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Об-ҳаво ўзгаришларига мо-йил беморлар ана шу кунларда даволовчи врачларга мурожаат қилишлари, уларнинг тасвияларини бажаришлари, чинқиш муолажаларини давом эттиришлари ва соғлом турмуш тарзига риоя қилишлари керак.

Ўн биринчи қақирққ Ўзбекистон ССР Олий Советининг IX сессияси

Депутат Э. А. АЗАМАТОВ нутқи

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 2-АВТОБУС ПАРКИНИНГ ҲАЙДОВЧИСИ, ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ХўЖАЛИГИ ВА АЛОҚА БўЙИЧА ДЕПУТАТЛАР ТАЙЁРГАРЛИК КОМИССИЯСИНING АЪЗОСИ.

План муҳокамаси чоғида тайёргарлик комиссияси республика Давлат план комитети 1989 йилда автомобиль транспортни ривожлантириш юзасидан белгиланган кўрсаткичлар беш йиллик планга нисбатан анча камайтирилганини аниқлади. Госплан вакиллари бундай аҳоли тармоқда йўл қўйилган кўшиб ёзишлар натижаси деб изоҳлашлари депутатларни қаноатлантирмади. Бизнинг фикримизча, юк ташин ҳажминини кўпайтириш, транспортдан фойдаланиш коэффициенти охириш учун жуда катта имкониятлар бор. Биз сизлардан тайёргарлик комиссиясининг бундан буйи юк ташинининг ўсиш суръатларини анча ошириш, ҳозирги вақтда кўплаб бекор туриб қолаётган транспортдан фойдаланишни эса аҳолига автотранспорт қорхоналари кўрсатадиган хизматлар ҳажминини кескин кўпайтириш ҳисобига яхшилаш ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлашни сўраймиз.

Бекор туриб қолаётган автобуслар ва юк автомобилларининг сонини қисқартириш ҳусусида гап очилиш билан, гарчанд бу рақам жами паркиннинг учдан бир қисмига етса ҳам, бензин фонди етарли эмаслиги вақт қилинади. Планлаштирувчи органлар, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети автомобиль транспортини ёниги-нинг бошқа турлари билан таъминлаш проблемасини самаралироқ ҳал этишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Шундай бўлса, бу йил баллонларни газ билан тўлдирувчи станциялар қуриш тоширини барбод қилинган, капитал маблагларнинг 20 процентини ўзлаштирилган. Республикада жуда катта запаслари бўлган газ конденсатидан автомобиль ёниги сифатида фойдаланиш бўйича Ўзбекистон олимлари ишлаб чиққан иштироларини жорий этиш йўлга қўйилган. Комиссия Ўзбекистон ССР Госпланидан ана шу масалаларни ҳал этишни тезлаштиришни сўрайди.

Пассажирлар ташин маданияти ҳақидаги масала ҳар томонлама кўриб чиқилди. Республиканинг деврили барча шаҳарларида автобуслар ва такси машиналари кўплаб бекор туриб қолиши, ҳаракат графикалари бузилиши ҳоллари содир бўлмоқда. Бу камчиликлар қорхоналарда нормал меҳнат маромини йўлга қўйишга ҳалақит бераётди, транспортчиларнинг айби билан бизда санаотда иккинчи ва учинчи сменалар ишламаётди, аҳолининг маданий талаблари қондирилмаётди. Андиқон, Нукус ва бошқа шаҳарларда транспорт кеч соат 8 дан кейин юрмаётган бир пайтда кечки ўқувни, театр ва кинотеатрларга беришни ташкил этиш мумкинлиги, ахир!

Пассажирлар ташин маданияти ҳақидаги масала ҳар томонлама кўриб чиқилди. Республиканинг деврили барча шаҳарларида автобуслар ва такси машиналари кўплаб бекор туриб қолиши, ҳаракат графикалари бузилиши ҳоллари содир бўлмоқда. Бу камчиликлар қорхоналарда нормал меҳнат маромини йўлга қўйишга ҳалақит бераётди, транспортчиларнинг айби билан бизда санаотда иккинчи ва учинчи сменалар ишламаётди, аҳолининг маданий талаблари қондирилмаётди. Андиқон, Нукус ва бошқа шаҳарларда транспорт кеч соат 8 дан кейин юрмаётган бир пайтда кечки ўқувни, театр ва кинотеатрларга беришни ташкил этиш мумкинлиги, ахир!

Бизнинг фикримизча, тармоқ ходимлари орасида тартиб ўрнатилган манфаватдор бўлмаган кишилар жуда кўп, раҳбарлар эса кескин ўзгаришларни таъминлаш, аввало йўл бошқармаси коллективларида маънавий-ахлоқий вазиятни соғломлаштириш ўрнига қорғода қолиб кетадиган тадбирлар белгиланган йўлдан шугулланмоқдалар. Бу тадбирлар эса юқоридagi ҳуноқ ҳодиселарни тугатишга сира ёрдам бермаётди. Меҳнаткашларнинг темир йўл бошқармаларининг аҳоли талабларига берақ қараётганлигидан газабланиб ёзватган кўплаб хатлари ана шундан делолет бермоқда.

Тайёргарлик комиссиясининг фикрича, Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг раҳбарлари ниҳоят ҳулоса чиқариб олишлари керак. Бунда гап уларнинг пассажирлар ташин ҳисобига тегишли тартиб ўрнатиш мумкинлигини амалда кўрсатиш имконияти ҳақида борапти.

Депутат Е. А. МАРШАЛОВ нутқи

ТОШКЕНТДАГИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ҚУРИЛМАСИНING ОПЕРАТОРИ.

Қурилиш ва социал-иқтисодий ривожланиш плани муаммолар жуда кўп ва имкониятлар тақчил бўлган бир шариотда ишлаб чиқилмоқда. Масалан, транспортни олиб кўрилик. Тошкент Шиниолий вокзал қорғи вақтда пойтахт қиёфасининг бевази бўлмай қолди. Шаҳарнинг ҳоқ марказидagi вокзал майдонига транспорт узели муаммоси ўқир бўлиб турибди, уни реконструкция қилишда икки беш йилдан бери маблагнинг тўртдан бир қисми ўзлаштирилган. Энди эса мазкур объект қурилишини тўхтатиб қўйиш мўлжалланмоқда. Натжида бугун шаҳарга тааллуқли бир қанча гоат муҳим муаммолар ҳал этилмай қолади.

Ана шу район қурилишига Тошкент каноп фабрикаси ҳам ҳалақит бераётди. Зарар кўриб ишлеётган бу фабрика жуда катта майдонини эгаллаб турибди, хом ашёни, ишчиларни обдадан ташиб келтирмоқда. Ваҳоликни, область территориясида хом ашё базисига яқин ерда унинг икки қорхонаси бор. Тошкент қорхоналари маҳсулотини мамлакатнинг бошқа жойларига ташин, худди ана шу товарларни эса ўша жойлардан олиб келишдан «борат» яросиз практика давом этмоқда. Масалан, «Ўзгалах» бошқармаси Исфара заводида тайёрланган сифатсиз қурилиш бўғини етказиб бермоқда. Тошкент лан-бўёқ заводининг яхши бўёқлари эса Тошкент шаҳардан бошқа ҳамма жойларга юборилаётди. Тошкентда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли товарларини шаҳарда «канча савдо шоҳобчалари усту» даражада олишга зарурат етилди. Бу эса транспорт харажатларини қисқартириш имконини берган бўлур эди. Республика Госснбининг раҳбарлари шаҳарнинг зарур эҳтиёжларга эътибор билан қарайдиган пайт келди. Ахир бунинг учун ҳеч қандай харажат талаб қилинмайдиган, фақат ишининг кўзини билиб етдиш керак.

Тошкентда уй-жой фондидинг катта қисми қалин ремонтга муҳтож бўлиб турибди, мавжуд иссиқлик шоҳобчалари анча эскириб қолган. Бироқ капитал ремонт учун ажратилган маблаглар ресурслар кўпчилиги сабабли ўзлаштирилмай қолмоқда. Фондлар мавжуд бўлганда ҳам, Госснб уларни 1 октябрга — ремонт ишлари тугалланганидан муддатгача етказиб беришга ишломлапти. Натжида радиаторлар йўқлиги тўғрйли 30 дан зиёд уй ҳозиргача иссиқлик тармоғига уланмаган.

Тошкентдаги экология вазияти кўпчилигини ташвишлантирмоқда. Экология вазиятини яхшилаш учун зарур бўлганда 4-5 баравар кам маблаг ажратилмоқда. Бу эса ремонт хизмати ишига, шаҳар территориясини тозалашга, уни қўллаш-зорлаштиришга ҳалақит бермоқда. Ўзбекистон ССР Молия министрлиги шаҳар хўжалигини саранжом саклаш ва ободонлаштиришга ажратилган маблагни кўпайтириш зарур.

Тошкентдаги бошқа қорхоналар сингари заводимиз коллектив ҳам пойтахтнинг социал соҳасини ривожлантиришда қатнашшига тайёрдир. Аммо Тошкент шаҳар иқроия комитети бу муаммони ҳамшиа тўғрй ҳал этипти, деб бўлмайди. У шу йилнинг май ойида бошқа шаҳарлардан

келган кишиларни ишга қабул қилганлик учун қорхоналардан 16160 сўм ундириб олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу микдор аҳоли жон бошига социал ва маънавий объектлар қурилиши қийматидан келиб чиқиб белгиланган. Аммо бизнинг ўз уй-жойимиз, болалар боғчамиз, поликлиника, касалхона, магазинларимиз бор, улардан завод ходимларидан ташқари бошқа кишилар ҳам фойдаланадилар. Бу объектлар қурилишига биз муайян маблаг ва меҳнат сарфлаганимиз. Иқроия комитетига нима учун пул тўлашни керак? Ишнинг қийинлиги тўхтаман ҳолда реконструкция қилиб, шу билан бир вақтда, хўжалик ҳисобига ўтаётган оғир молиявий аҳволда қолган заводимиз нима учун шундай қилиши керак. Бу масалани ҳал этишга қорхонанинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилиб етдирилса, адолатлироқ бўлур эди. Айтганча, бу қарор аш мутахассисларга ҳам, таъин хунар-техника билим юртининг битирувчиларига ҳам дақдордир. Айир биз бундан сал илгарироқ мутахассислар тахрибл юзасидан беш йил муддатга ўқу юртлари билан шариотна тугазган эдик. Энди эса маблаг йўқлиги сабабли бизга керакли бўлган Москва ва Ростов институтларининг 7 нафар аш мутахассисдан овоз кечишга мажбур бўлдик. Шаҳар Советининг сессиясида кечикки қабул қилинган тузатиш шу йилги битирувчиларига тааллуқли бўлди. Бу — ишга давлат нуқтан назардан етдиш керак.

Депутатлик ишимиз тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу борада ҳам амалдаги муаммолар бор. Депутат қандай масала билан мурожаат қилмасин, уни мансабдор шахслар «рад этиш позициясидан» қутиб олишади. Масалан, мен автобус бекатини бошқа жойга қўчириш учун бир йил овера бўлдим. Шаҳар телефон станциясига мурожаат қилишдан ҳеч қандай фойда йўқ деган таассурот пайдо бўлди. У ердан бир қолпиди рад жавоблари юборилди. Бунда гап телефонга жуда муҳтож бўлган кеск бемор кишилар тўғрисида борапти-ку, ахир. Сўя ва прокуратура органларига мурожаат қилинганда ҳам 2 — 3 ой ва ундан кўпроқ вақтдан кейин жавоб олинади. 1988 йил 28 июнда мен сайловчи Раҳмоновнинг аризаси юзасидан Ўзбекистон ССР Прокуратурасига мурожаат қилдим. Мен беш ойдан бери жавоб кутаман. Раҳмон эва икки йилдан бери адолатга эриш олмаяпти.

Бу ҳақда шунинг учун таъриятиманки, силарнинг орангизда ҳам амалдорлар томонидан қўйил пул ёнгоққа тўлдирилган ва алданганлар бор деб ўйлайман. Депутатларнинг сўровлари ва мурожаатларига бундай муносабатда бўлиш кишини газаблантиради. Лекин республикани миллион-миллион сайловчилари бизни ўз хомийлари деб билладилар-ку, ахир. Бизнинг ҳар бир муваффақиятсизлигимиз уларда фақат депутат ишончли эмас, балки умуман эъгулик ва адолатга ишончли йўқотди. Оқибатда биз жуда катта маънавий зарар қўрамиз. Депутат эланиб-елвориб илтимос қилуви бўлмаслиги керак.

Матбуот конференциясига таклиф қиламиз

Илгари газетамизда хабар қилинганидек, шу йил 25 ноябрда йигирманчи қақирққ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг еттинчи сессияси бўлади. Унда Тошкент шаҳар Совети иқроия комитетининг 1988 йилдаги фаолияти ҳақида Тошкент шаҳрини комплекс иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йил плани тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Мазкур сессияга тайёргарлик мақсидида Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилотини ташаббус билан бугун — 23 ноябрь соат 16.00 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёт клубида (Ленинград кўчаси, 32-йў) матбуот конференцияси ўтказилади. Матбуот конференциясида иштирок этадилар:

Ш. Р. Мирсатдов — Тошкент шаҳар Совети иқроия комитетининг раиси;

М. М. Алиев — Тошкент шаҳар Совети юж-

роия комитети раисининг ўринбосари;

Ҳ. Е. Охунжонов — Тошкент шаҳар Совети иқроия комитети раисининг ўринбосари, ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиги.

Л. А. Костин — Тошкент шаҳар Совети иқроия комитети раисининг ўринбосари;

Қ. М. Рафиқов — Тошкент шаҳар Совети иқроия комитети раисининг ўринбосари;

Қ. А. Солиқов — Тошкент шаҳар Совети иқроия комитети раисининг ўринбосари, шаҳар план комиссиясининг раиси;

К. Н. Ўлганов — Тошкент шаҳар Совети иқроия комитети раисининг ўринбосари;

В. Ф. Манастиретская — Тошкент шаҳар Совети иқроия комитетининг секретари.

Матбуот конференциясида Тошкент шаҳар Совети иқроия комитети етакчи бўлиб ва бошқармаларининг раҳбарлари ҳам иштирок этадилар.

Матбуот конференциясига таклиф қиламиз.

23 ноябрдан

